
“Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак”



“Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак”

Сух тумани вилоят марказидан 120 километр узоқликда жойлашган бўлсада, лекин бу гўшада ислохотларнинг амалий натижасини кўрамиз. Президентимизнинг бевосита эътибори туфайли обод бўлаётган Сух туман аҳлининг бирдамлиги боис, кундан-кунга янада чирой очиб бормоқда. Бугун туман аҳли “Обод ва хавфсиз маҳалла” мезонига таянган ҳолда, ушбу бектакрор гўша ободлигига ҳар қачонгиданда кўпроқ ҳисса қўшишаётир. Зотан, обод маҳалла ва тинч-осойишта ҳудудга тўйлар, тантаналар ярашади. Кўнгилларида юрт ободлигини асосий мақсад этиб тўғиб қўйган Сухликлар бугун эзгу ва хайрли ишлар билан банд.



Шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, туманда ташкил этилаётган сайёр қабуллар ҳам бесамар кетмаяпти. Мисол учун, ҳафта аввалида Ленбург маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган оммавий сайёр қабулда маҳаллада яшовчи фуқаро Музаффар Ибрагимов маҳалла қабристонининг аҳволи ва ушбу гўшага тунгги ёритгич чироқлари ўрнатиш лозимлиги ҳақида туман ҳокимига мурожаат қилган эди. Туман ҳокими Фаррух Усаров ушбу мурожаатни ижобий ҳал этиш мақсадида бугунг яна Ленбургга ташриф буюрди ва туман электр таъминоти корхонаси ходимлари маҳалла қабристони ҳудуддаги симёғочларга тунги ёртигич чироқларини ҳоким кўмаги асосида ўрнатиб беришди. Бу албатта, туман раҳбари фаолиятдан биргина мисол холос. Лекин бундай эътибордан туманнинг барча аҳолиси бугун баҳраманд бўлишаётир.



“Узум узумдан ранг олади” деб бежиз айтишмаган доно халқимиз. Ҳушёр маҳалла раиси Мирзо Ифтихонов ташаббуси остида ҳушёрликлар маҳалла марказидаги барча симёғочларга тунги ёритгич чироқларини ўрнатиб бўлишди. Энди навбат Демурсад маҳалла фуқорлар йиғинига етиб келди. Маҳалла раиси Бекзод Абдумухаммедов ҳам ёш ва ташаббускор раислардан. Яқинда раис ташаббуси ва саховатпеша инсонлар қўмаги асосида маҳалладги кўприк таъмирланган бўлса, бугун демурсадлик тadbиркорлар маҳалладаги симёғочларга тунги ёритгич чироқларини ўрнатишмоқда. Жараёнга гувоҳ бўлган туман ҳокими Фаррух Усаров ҳам бундай ташаббуслардан миннатдор. Асосийси, бундан халқ хурсанд. “Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак” деган шиорга таяниб, амал қилаётган Сухлчиларнинг мақсади бир: Ватан ободлигига ҳисса қўшиш.



“Биз бу йили ҳам ободончилик ишларимизни муқаддас қадамжоларни обод қилишдан бошладик” – дейди туман ҳокими. “Бюджетдан орттирилган маблағлар орқали ҳудудлардаги қабристонларни асфальтлаштириши, ота-боболаримиз ётган қадамжоларни обод қилиш асосий мақсадимиздир”.

Мулгон маҳалла фуқаролар йиғинида ўтган йили “Обод қишлоқ” дастури орқали кенг кўламли ишлар олиб борилди. Лекин бажарилмажак ишлар талайгина. Туман ҳокими билан бўлиб ўтган учрашувда маҳалла аҳли бундай хайрли ишларга доимий хайрихоҳ эканликларини таъкидлаб ўтишди. Маълумки, туман ҳокими ҳудуднинг биринчи сектори раҳбари саналади. Лекин бошқа секторларга бориб, аҳоли билан учрашиб, туман раҳбари сифатида халқнинг муаммо ва камчиликларини ечиш йўлларини қидираётган раҳбар фаолиятдан аксарият Сухликлар мамнун.



Давлатимиз раҳбари асос солган ҳаётбахш дастурлар, инсон манфатига қаратилган ислохотлар, туманда имкониятлар куламини тубдан кенгайтирди. Сух аҳлининг тобора яшаш тарзи фаровон, кечалари кундузидек чароғон бўлиб бораётгани юрт ободлиги ҳамда халқ манфати йўлида амалга оширилаётган эзгу ташаббусларнинг натижаси десак, айти ҳақиқатдир.

Сух тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-02-13 09:08:26